


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

Гувоҳнома № 0680-16.02.2018.
ISSN № 2181-9017

М У Н Д А Р И Ж А

МАНБАШУНОСЛИК

1. **Абдухалимов Б.** Формуляры записей о купле и продаже усадьбы из сборника (*мажма‘*) Абу Хафса ан-Насафи 3
2. **Муратов А.** Умар Насафийнинг “ат-Тайсир фи-т-тафсир” асарига асос бўлган манбалар 14
3. **Улашова С.** Хоразмшоҳлар даври манбаларида Мовароуннаҳрдаги этник ҳолатга доир 22
4. **Замонов А.** Бухоро шайбонийлари ҳарбий тизими манбашунослигига доир баъзи мулоҳазалар 36
5. **Ғуломов С.** Ҳишмат ижоди спектри ва янги топилган “*Зиж*” хусусида 49

ТАРИХ ВА ТАРИХШУНОСЛИК

1. **Давлатова С.** Ҳунармандчиликда рамзлар: семантик-семиотик таҳлил *(Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудлари мисолида)* 62
2. **Ҳошимов Б.** Фарғона водийсидаги археологик тадқиқотлар тарихидан (1884–1964) 77
3. **Шамсиев М.** XIX аср биринчи ярмида Қўқон хонлиги ташқи савдо алоқаларида тошкентлик савдогарларнинг роли..... 92

ДИПЛОМАТИКА

1. **Таниева Г.** Эрназар Мақсуд ўғлининг ҳаж йўллари масаласига доир элчилик фаолияти (Россия империяси Ташқи сиёсат архиви ҳужжатлари асосида) 101

ИСЛОМШУНОСЛИК

1. **Махсудов Д.** XIII асрда мусулмон дунёсида тафсир илми ривожи ва муфассир олимлар фаолияти 111

ФАН ВА МАДАНИЯТ ТАРИХИ

1. **Исҳоқов М.** Қадимги Хоразм ёзуви ва ёзув маданияти ҳақида 124

ТИЛ ВА АДАБИЁТ

1. **Умарова И.** Айюбнинг “Шарҳи Маснавийи Мавлавий” асарида келтирилган Жалолиддин Румий ҳаётига оид маълумотлар 140
2. **Худжанова Д.** Замахшарийнинг “ал-Қистос ал-мустақим фи илм ал-аруз” асарида аруз рукнларининг илмий-назарий талқини 154
3. **Шарахметова М.** “Бобурнома”нинг урдуча таржималарида Ҳиндистон таърифи 165
4. **Мадиримова С.** Мутриб Хонахароб ғазаллари 176
5. **Тўхтамуратов Ф.** Муҳсиний девони қўлёзма манбалари ва шеърларининг матн хусусиятлари 191
6. **Абдулаҳатов Н.** “Марсия” адабий-тарихий манбаларига оид айрим мулоҳазалар *(XIX–XX аср бошларида Марғилон маданий муҳити манбалари асосида)*..... 201

ИЛМИЙ АХБОРОТ

Эшонова С., Қўлдошев Ш. Поп тумани Ғурумсарой қишлоғидаги қабртош хусусида 210

ЎзР ФА
Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Илмий кенгашининг 2020 йил 4 мартдаги 3-сонли мажлиси қарорига кўра нашрга тавсия қилинди.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Баҳром Абдуҳалимов
(Бош муҳаррир)
Сурайё Каримова
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Салимахон Эшонова
(Масъул котиб)
Наталья Каримова
(Рус тили муҳаррири)
Азиза Шаназарова
(Инглиз тили муҳаррири)

Аҳмедов Ашраф
Бобожонов Бахтиёр
Баҳодиров Роиқ
Бўриев Омонулло
Дагели Жанин
Жўманазаров Абдусаттор
Исломов Зоҳиджон
Қориев Одил
Мўминов Аширбек
Раҳимжонов Дурбек
Султонов Ўктам
Ходжаев Аҳад
Юсупова Дилором
Ғуломов Санжар
Ҳабибуллаев Акрам
Ҳасанов Маҳмуд

Манзилимиз:
100170. Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўчаси, 79
Мурожаат учун:
Телефон*: (8 371) 262-54-61,*
Факс*: (8371) 262-52-77*
E-mail: beruni1@uznet.uz

С. Мадиримова

Мутриб Хонахароб ғазаллари

Мумтоз адабиёт тарихидан маълумки, шоирлар шеърларидан девон, баёз тузганлар. Шунингдек, муайян шахслар, хусусан, ҳукмдорлар фармонига кўра, улар шеърларидан териб жамланган мунтахаб/интихоб девонлар ва баёзлар ҳам мавжуд. Ижодкорнинг тўлиқ, терма девонлари ва баёзлари таркибидаги шеълар қиёсланганда таркибий ва матний фарқлар учрайди. Уларнинг қиёсий тадқиқи эса шоир адабий меросини тўлдиришга хизмат қилади. Мана шу жиҳатни хивалик шоир Мутриб Хонахаробий ижоди мисолида кўрсатишга ҳаракат қиламиз.

Аввало, у яшаган даврга эътибор қилсак, XIX аср охири – XX аср бошларида Хоразмда Муҳаммад Раҳимхон I Феруз (1844–1910; ҳукмронлик йиллари 1864–1908) атрофида ўзига хос адабий муҳит юзага келди. Бу даврда Табибий (1869–1911), Баёний (1840–1923), Аваз Ўтар (1884–1919), Чокар (1872–1951), Мутриб (1853–1923) каби ижодкорлар етишиб чиқди. Уларнинг бизгача етиб келган асарлари ана шу адабий муҳит ҳақида муайян тасаввур беради. Мазкур муҳитдаги аксарият шоирлар зуллисонайн бўлиб, ўзбек ва форс тилларида бирдек қалам тебратганлар. Хон фармонига биноан, кўплаб шеърхонлик кечалари уюштирилган, баҳру байтлар, ғазалхонлик мусобақалари ташкил қилинган, шоирлар янги шеърларидан намуналарни мажлис аҳлига ўқиб беришган. Шунингдек, Хива адабий муҳитидаги ижодкорлар фаолиятини ифодаловчи баёзлар, тазкиралар, мунтахаб (сайланма/терма) девонлар мажмуаси тузилган, шоирлар шеърларини девон, мухаммасот, ғазалиёт, рубоиёт, маснавиётларда каби мажмуаларда жамлаганлар, улар малакали котиблар томонидан кўп нусхада кўчирилган. Ҳозирги кунда бу асарларнинг муайян қисми Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институти ҳамда Хива Ичан қалъа музейи қўлёзмалар фондида сақланмоқда.

Муҳаммад Ҳасан девон Ҳожи Табиб ўғли Мутриб[1] лирик мероси жамланган қўлёзма девонлар ҳам мазкур манбалардан ҳисобланиб, унинг

[1] Манбаларда Мутриб Хонахаробнинг Хоразмда туғилганлиги эътироф этилгани ҳолда унинг таваллуд санаси 1852, 1860, 1865, вафоти санаси эса 1922, 1925 тарзида турлича келтирилган. [*Бу ҳақда қаранг:* 9: 182; 10: 474; 1: 165–166; 8: 6–7; 12: 115–128]. Бироқ унинг замондошларидан Лаффасий Мутрибнинг 1923 йилда вафот этгани, Бобожон Тарроҳ-Ходим эса 70 йил умр кўргани тўғрисида ёзиб қолдирганлар. Мазкур маълумотлардан келиб чиққан ҳолда Мутриб 1853 йилда туғилиб, 1923 йилда вафот этган, деган хулосага келиш мумкин. [*Қаранг:* 13: в. 139; 2: 136–140].

учта нусхаси ЎзР ФАШИ фондида 2679/II, 903/V, 906/VII ашё рақамлари остида сақланмоқда [7: вв. 82*б*–234*б*; 5: вв. 203*б*-–273*а*; 6: вв. 248*а*–281*б*]. Булардан ташқари, изланишларимиз натижасида Мутриб шеърлари киритилган 1184 ашё рақамли баёз ҳам мавжудлиги аниқланди. Девонлар ва баёз таркибидаги шеърларни қуйидаги тасниф асосида таҳлилга тортишни мақсад қилдик:

1. *Девонга киритилган шеърлар.*
2. *Девон ва баёз таркибида мавжуд, бироқ матний ўзгаришлари аниқланган ғазаллар.*
3. *Баёз таркибида мавжуд, бироқ девонда учрамайдиган ғазаллар.*

Аввало, таъкидлаш жоизки, ЎзР ФАШИ фондида сақланаётган 2679/II, 903/V, 906/VII ашё рақамли девонлари сайланма – терма девонлар бўлиб, уларга Мутрибнинг муайян шеърларигина танлаб киритилган. Мазкур девонлар бошқа шоирларнинг ҳам худди шу каби терма девонлари жамланган мажмуа таркибидан ўрин олган [5; 6; 7].

Девонга киритилган шеърлар. 2679/II ашё рақамли девони 1326/1908 йилда котиб Мулла Адбулкарим ибн Муҳаммад Раҳим Марҳумий ибн Паҳлавон Ниёз Мирзобоши Марҳумий томонидан кўчирилган. Девон қўлёзманинг 82*б*–234*б* саҳифаларида ўрин олган. Унга шоирнинг ўзбек (туркий) ва форс тилларида ёзган 700 дан ортиқ ғазал, 7 та мухаммас, Навоийнинг “Тун оқшом келди кулбам сори ул гулруҳ шитоб айлаб”, “Улки, солғай шуъла аъзосиға ўтлуғ оҳлар”, “Мувафиқ келдилар бўлмиш магар наврўз ила байрам”, Ферузнинг “Кўзум пур, пари орази падидор[1] этди-у кетди”, “Гул юзинг очиб, эй гул, мажлисим гулистон қил”, “Очилмиш гул, етурмиш боға зийнат, эй санам, келгил”, Равнақнинг “Келгил, эй моҳлиқо, нодираи давроним”, Амирнинг “Базм аро ҳар дам лабинг махмуриға қондур аваз”, Мунисниng “Хиромон қоматингким, гулшан умрим ниҳолидур” деб бошланувчи ғазалларига боғлаган 9 та тахмиси, шунингдек, ўзбек тилидаги 5 та мусаддас ҳамда 2 та қасидаси киритилган [7: 82*б*–234*б*].

903/V ашё рақамли девони 1325/1907 йилда котиб Мулло Каримберган девон ибн Раҳимберган томонидан кўчирилган. Шоирнинг бу қўлёзма девонига ўзбек ва форс тилларидаги 430 дан ортиқ ғазали, 14 та мухаммас, ҳамда 2679/II ашё рақамли қўлёзма девонда келтирилган Навоий, Феруз, Равнақ, Амир, Мунис ғазалларига боғлаган 9 та тахмиси, ўзбек тилидаги 2 та мусаддас ва 1 та қасидаси киритилган [5: 203*б*–273*а*].

906/VII ашё рақамли девонининг кўчирилган йили қайд этилмаган, *Харрот* тахаллусида шеърлар ёзган Мулло Болта Ниёз уста Қурбонниёз

[1] Пайдо этмоқ, кўрсатмоқ, аниқ қилмоқ [11: 495].

котиб томонидан тартиб берилган. Мазкур нусхада Мутрибнинг ўзбек ва форс тилларида ёзган 225 дан ортиқ ғазал, 5 та ўзбек ва форс тилидаги мухаммас, Ферузнинг “Очилмиш гул, етурмиш боға зийнат, эй санам, келгил” мисра билан бошланувчи ғазалига боғланган тахмис, шунингдек, ўзбек тилида ёзилган 5 та мусаддас, 1 та қасида каби жанрларда ёзилган шеърлари жамланган [6: 248*а*–281*б*].

Девон ва баёз таркибида мавжуд, бироқ матний ўзгаришлари аниқланган ғазаллар. Баёздаги шеърлар пушти рангли фабрика қоғозига қора сиёҳ билан чиройли настаълиқ хатида кўчирилган, сарлавҳалар қизил сиёҳда ажратилган. Матн қия ҳолатда икки устунда саҳифасига ўртача 12 сатрдан жойлаштирилган. Ҳар бир шеър рақамланган. Шеърлар “Ғазали Мутриб Хонахароб”, “Ғазали Табибий” каби жумлалар билан сарлавҳаланган. 308 бетдан иборат, бошида 2, охирида 4 варақ бўш қолдирилган. Баёз қаттиқ тўқ яшил картон билан муқоваланган. Муқова устига босма нақш туширилган, яхши сақланган. Ўлчами: 18x11.

1184 ашё рақамли баёз ҳам Абулғози Саййид Муҳаммад Раҳим Баҳодирхон Феруз фармонига биноан, 1328/1910 йилда *Чокар тахаллусида шеърлар битган* Мулла Муҳаммад Юсуф котиб томонидан кўчирилган. Мазкур маълумот қўлёзма баёз колофонида қуйидагича қайд этилган: “*Алҳамдулиллаҳ ва-л-минна ушбу баёзким, бо амри султон аз-замон ва нодири даврон боиси ал-армон ва-л-амон, аъни Абулмузаффар ва-л-мансур Абулғози Саййид Муҳаммад Раҳим Баҳодурхон ул жанобни фармонлари бирла фақир ал-ҳақир Мулла Муҳаммад Юсуф ал-мутахаллиси би-л-Чокар ибн Муҳаммад Юсуф девон мулаққаби ба Харрот ёзиб итмоми сарҳадиға еткурди. Сана 1328”.*

Баёзда Мутриб, Девоний, Роғиб, Ғозий, Чокар, Амирий, Юсуф, Шиносий, Аваз, Содиқ, Ходим, Иноят, Камолий, Надимий, Асад, Пуркомил, Нозир, Музниб, Хақирий, Хокий, Мирзо каби йигирма икки нафар шоир ғазаллари жамланган. Жумладан, баёзга Мутрибнинг 23 та ғазали киритилган бўлиб, уларнинг 10 таси форс, 13 таси ўзбек тилида ёзилган.

Девонлар ва баёз таркибидаги асарлар қиёсидан шоирнинг “Истаб”, “Аёндур”, “Айб”, “Не дерсан” радифли ғазаллари 2679/II ашё рақамли девонида мавжуд бўлгани ҳолда девоннинг 903/V, 906/VII нусхалари таркибида учрамаслиги аён бўлди. Мазкур ғазалларнинг девон ва баёзда келтирилган матни қиёсланганда эса “Истаб”, “Айб” радифли ғазаллар матнида айрим фарқлар кузатилди.

Шоирнинг лирик мазмундаги *“Боқарман ҳар тарафға бир қади сарви равон **истаб**”* мисраси билан бошланувчи ғазал ҳазажи мусаммани солим (V- - -/V- - -/V- - -/V- - -) вазнида ёзилган. Унинг иккинчи байти биринчи

мисрасидаги “лабларидинким” сўзи баёзда “лабларингдин” шаклида ифодаланган:

1. Девонда:

*Чиқарға етти жоним орзуи **лабларидинким**,*
Висоли жаннатин кулбамға бир тун меҳмон истаб [7: в. 90а].

2. Баёзда:

*Чиқарға етти жоним орзуи **лабларингдин,***
Висоли жаннатин кулбамға бир тун меҳмон истаб [4: в. 2а].

Ғазалнинг иккинчи байти биринчи мисрасидаги “лабларидинким” сўзи баёзда “лабларингдин” шаклида ифодаланган. Шахс кўрсаткичи ва вазн ўзгариши натижасида, баёзда сакталик вужудга келган:

1. *Чиқарға етти жоним орзуи **лабларидинким**,* шаклида – маъшуқанинг (мавҳум – III шахс бирликда) лаблари орзусидан жоним чиқиб кетай деяпти, жумласи назмда 15 бўғинда айтилган.

2. *Чиқарға етти жоним орзуи **лабларингдин,*** шаклида – сенинг (аниқ – II шахс бирликда) лабларинг орзусидан жоним чиқиб кетай деяпти, жумласи назмда 14 бўғинда ифодаланган.

Юқорида келтирилган ғазал мисрасидаги сакталик баёзда кузатилган бўлса, энди девон таркибидаги рамали мусаммани мақсур/маҳзуф (V - - -/V - - -/V - - -/- V - (-V~) вазнида ёзилган *“Кўйи ишқингда ҳазин кўнглумни қон этмаклик **айб**”* мисраси билан бошланувчи ғазалга эътибор қилайлик. Унинг 2-байти биринчи мисрасида ҳам шундай номувофиқликни кузатиш мумкин. Яъни:

***Ижтиноб** ила мани маҳруми рухсор айлабон,*
Ўзгаларни лабларингдин комрон этмаклик айб [7: в. 73б].

***Иҳтисоб** ила мани маҳруми рухсор айлабон,*
Ўзгаларни лабларингдин комрон этмаклик айб [4: в. 89а].

Луғатда “иҳтисоб” сўзи *ҳисоб олиш, ҳисоблаш, таъқиқлаш, текшириш* каби маъноларга эга [14: 295]. “Ижтиноб” сўзи эса *узоқланиш, сақланиш, тортиниш, чекиниш, қочиш* маъноларни ифодалайди [14: 265]. Демак, бу ўринда матн мазмуни “ижтиноб” сўзи бўлишини талаб этади.

Баёз таркибидаги “Истар”, “Бўлдум” радифли ғазаллар матни қиёсий тадқиқ этилганда терма девон (инв. 2679/II) таркибида мавжуд, лекин матни буткул ўзгача эканлиги маълум бўлди.

Баёз таркибида мавжуд, бироқ терма девонда учрамайдиган ғазаллар. Баёздаги “Истар”, “Бўлдум”, “Мандурман”, “Этибдур”, “Билгил” “Айларам”, “Ўзум” радифли ҳамда “Фиғонким, бўлмишам ҳажрингда ношод”, “Санго дерман эшит, эй сарви қомат” деб бошланувчи жами 9 та

ғазали эса нафақат 2679/II ашё рақамли девон, балки мавжуд бошқа девонлар таркибига ҳам киритилмагани аниқланди. Бизнингча бунинг сабаби, шоирнинг 2679/II ашё рақамли девони 1908 йилда, бошқа девонлари ҳам шу санадан аввал, баёз эса 1910 йилда тузилган. Яъни баёз нисбатан кейин тузилган, орадаги муддат мобайнида шоир яратган янги асарлари ушбу баёздан ўрин олган кўринади. Ғазаллар шакл ва мазмун жиҳатидан шоир девонидаги шеърларга мутаносиб тарзда ижод қилинган.

Айни пайтда, айрим ғазаллардаги сўзларнинг ишлатилишида баъзи камчиликлар ҳам кўзга ташланди. Масалан, шоирнинг "Билгил" радифли ғазали матлаасидаги мазкур сўз "Келгил" тарзида, иккинчи байтдаги "тушгач" сўзи эса "кушгач" шаклида кўчирилган, табиийки, бу байт мазмунига ҳам таъсир кўрсатган. Шунга кўра, шеърлардаги баъзи сўзлар имкон қадар мазмунидан келиб чиқиб тузатилди, ўзгартиш қайд этилди:

Қуёшосо жамолинг шамъиға парвонаман, ***келгил [билгил],***
Туну кун тийра ҳажринг аро ҳайронаман билгил [4: 121аб].

Кўзум ***кушгач [тушгач]****санга, эй дилрабо, билмон нечук бўлдум,*
Тушуб бошимға савдойи бало билмон нечук бўлдум [4: 132 аб].

Ғазалларга берилган сарлавҳаларда ҳам хатоликлар учрайди. Бу ҳол айниқса, нотўғри илмий маълумотларга олиб келади, жумладан, "Ғазали Мутриб", деб номланган шеър мақтаъсидаги тахаллус асосида ғазалнинг аслида Роғиб қаламига мансублиги аниқланди:

Роғибо, *ул сарви гулрухсор дарди фурқати,*
Етгуси жонимға юз ҳар лаҳзада озор ҳайф [4: 6б].

Мутриб Хонахароб асарларини нашрга тайёрлашда қўлёзма нусхаларида учрайдиган котиб томонидан йўл қўйилган камчиликларни асарнинг бошқа нусхалари асосида тўғриланган вариантини, агар бундай имконият бўлмаса, шеър қофияси, радифи ва ички мантиқи асосидаги сўз вариантини *[...]* ичида кўрсатилди [14: 68].

Юқоридаги таҳлиллардан, бугунги кунда Мутриб адабий меросини мукаммалроқ ўрганиш, девонида учрамайдиган асарларини баёзу тазкиралардан тўплаб, жорий нашрларда эълон қилиш зарурати сезилмоқда. Бу ўз навбатида, шоир адабий меросини ҳам поэтик, ҳам сон жиҳатдан бойитишга хизмат қилади. Қуйида Мутриб қаламига мансуб янги аниқланган ғазаллари матнининг табдили илк бор эълон қилинмоқда:

Жамолингдин фуруғи истаган парвона мандурман,
Кўруб зебо қадингни рўзи шаб ҳайрона мандурман.

Шуоъий ҳуснинга тушгач кўзум саҳни чаман ичра,
Бори ақли хираддин ишқ аро бегона мандурман.

Етиб жоним чиқарға дам-бадам ваҳми итобингдин,
Туну кун тийғи ҳажрингдин дили вайрона мандурман.

Малолат фош этиб, беҳади сон ҳар нолишимдинким,
Улусға шавқ аро субҳу масо афшона мандурман.

Тутуб жонимға миннат ҳасрати ҳажрингни, эй дилбар,
Неча дарди ғамингға доимо ғамхона мандурман.

Ҳазин кўнглумга ишқинг ғуссасини интихоб[1] *айлаб,*
Фироқинг оташиға дам-бадам сўзона мандурман.

Нечук осуда бўлсун Мутриби саргашта бу ғамдин,
Фиғонким, ҳасрати ҳажринг била ҳамхона мандурман [4: 85а].

Вазни: ҳазажи мусаммани солим.
Тақтеъси: мафоийлун, мафоийлун, мафоийлун, мафоийлун
(V - - - /V - - -/V - - -/V- - -).

*****

Ҳазин кўнглум кўзингдин дам-бадам нози адо истар,
Гулистони висолингдин буким, бўйи вафо истар.

Ажаб дилхастадурман, кеча-кундуз тор ҳажр ичра,
Юзингдин тийра кўнглум ҳар нафас нури зиё истар.

Буким, Мажнун киби субҳу масо бемор ишқингдин,
Лабингни шарбатидин нотавон жоним даво истар.

Не журмимдин била олмон нигоро қайд ҳижронинг,
Дилимни мурғин айларга туну кун мубтало истар.

Не, деб хомуш ўлай, аҳбоблар, ёрим манго ҳар дам,
Берурга зулми ҳажридин неча турлук жазо истар.

[1] Сайламоқ, танламоқ [11: 276].

Халос этмай ҳазин жонимни озори фироқидин,
Била олмон, бу ёнглиғ жавр ила не муддао истар.

Нечук ўртанмайин, жоно рамузинг ваҳки, Мутрибдин,
Бу ёнглиғ ишқ аро икки кўзум қонин каво истар [4: 86б].

Вазни: ҳазажи мусаммани солим.
Тақтеъси: мафоийлун, мафоийлун, мафоийлун, мафоийлун
(V - - - /V - - -/V - - -/V- - -).

*****

Фиғонким, бўлмишам ҳажрингда ношод,
Даме бўлмай бало қайдидин озод.

Олиб базм ичра илкингга қадаҳни
Нигоро айламассан бир кеча ёд.

Фироқинг меҳнати доим муҳайё,
Қилурман ул жиҳатдин оҳу фарёд.

Тутуб кўнглумни ваҳким, лашкари ғам,
Майи лутфинг била қил они барбод.

Бўлуб тарки жафо бу нотавонға,
Вафо расмини, эй гул, айла бунёд.

Фироқинг зулмидин вайрон эрурман,
Ҳазин кўнглумни қилғил эмди обод.

Ўлар муддатға етди эмди Мутриб,
Итобинг ғуссасидин, эй санам, дод [4: 87а].

Вазни: ҳазажи мусаддаси маҳзуф.
Тақтеъси: мафоийлун, мафоийлун, фаъувлун
(V - - - /V - - -/V - -).
*****

Санго дерман эшит, эй сарви қомат,
Жаҳон ичра илоҳо, бўл саломат.

Ҳазин жонимға гар раҳм этмас эрсанг,
Мани ўлтургуси таъни маломат.

Бўлуб ғам даштиғаким, кеча-кундуз,
Етар жонимға ҳажрингдин минг офат.

Келиб лутф айлабон ёнимға бир тун,
Манго еткур висолингдин шарофат.

Бўлубдур интихоб ишқинг ғамидин,
Кўнгул кошонасида мунча меҳнат.

Итобу ижтинобингдин нигоро,
Аёндур дам-бадам турлук касофат.

Висолинг лаззатидин, эй суманбар,
Қачон етғай ҳазин Мутрибға роҳат [4: 88б].

Вазни: ҳазажи мусаддаси маҳзуф.
Тақтеъси: мафоийлун, мафоийлун, фаъувлун
(V - - - /V - - -/V - -).

*****

Ғаминг кўнглум уйин вайрон этибдур.
Фироқинг кўзларим гирён этибдур.

Топай, деб тоза жон қилсам таманно,
Лабингни шавқи бағрим қон этибдур.

Итоб ичра солиб жон ваҳмин ондоқ,
Юзимни ҳажр аро гирён этибдур.

Ниҳон айлаб гулистони жамолин,
Ҳазин кўнглум қушин нолон этибдур.

Уқубат бирла шавқ ўтиға ҳар дам,
Дили жонимни чун сўзон этибдур.

Қилиб бемор, ғам даштида ваҳким,
Мани саргаштайи ҳижрон этибдур.

Нечук ўртанмасун Мутриб туну кун,
Қуёшосо юзин пинҳон этибдур [4: 114аб].

Вазни: ҳазажи мусаддаси маҳзуф.
Тақтеъси: мафоийлун, мафоийлун, фаъувлун
(V - - - /V - - -/V - -).

*****

Қуёшосо жамолинг шамъиға парвонаман, келгил(билгил),
Туну кун тийра ҳижронинг аро ҳайронаман билгил.

Нигоро ганжи васлинг бирла обод ўлмайин ваҳким,
Фиғонким, тийғи фурқатдин дили вайронаман билгил.

Эрурман ўтға тушған қил киби савдойи ишқ ичра,
Буким, шавқ оташиға рўзи шаб сўзонаман билгил.

Туну кун, эй суманбар, ҳасрати ҳажрингға шак айлаб,
Бори дарди ғамингға дам-бадам ғамхонаман билгил.

Ғами кўйингда ҳар дам нолаи фарёд этиб зоҳир,
Халойиқға сурури ишқ аро афсонаман билгил.

Кўруб юз ноз ила рухсори тобонинг бориб ўздин,
Хираддин, эй пари, субҳу масо бегонаман билгил.

Боқиб ҳар ён сори минг нола бирлаким, ҳазин Мутриб
Дамодам интизор наргиси мастонаман билгил [4: 121аб].

Вазни: ҳазажи мусаммани солим.
Тақтеъси: мафоийлун, мафоийлун, мафоийлун, мафоийлун
(V - - - /V - - -/V - - -/V- - -).

*****

Кўзум к(т)ушғач санга, эй дилрабо, билмон нечук бўлдум,
Тушуб бошимға савдойи бало билмон нечук бўлдум.

Халос ўлмай ҳазин жоним даме ташвиш ҳажрингдин,
Ғамингда рўзи шаб қадим дуто билмон нечук бўлдум.

Итоб ижтинобинг лаҳза таскин эрмас, эй дилбар,
Ва ё, қилдимму кўб, саҳву хато билмон нечук бўлдум.

Қачон қилсам таманно жаннатосо лаззати васлинг,
Ёғар бошимға шамшири жафо билмон нечук бўлдум.

Ўларга етганимни англабон қилмай тараҳҳумким,
Лабингдин йўқ манго хайри сахо билмон нечук бўлдум.

Мани юз ваъдайи ёлғон ила маҳруми васл айлаб,
Тополмай, ман аҳдингдин вафо, билмон нечук бўлдум.

Ажаб Мутриб киби ғам қайдидин озодлиғ топмай,
Куюб ишқ ўтиға субҳи масо билмон нечук бўлдум [4: 132аб].

Вазни: ҳазажи мусаммани солим.
Тақтеъси: мафоийлун, мафоийлун, мафоийлун, мафоийлун
(V - - - /V - - -/V - - -/V- - -).

*****

Гул юзинг шавқида тун-кун оҳ, афғон айларам.
Лаҳза-лаҳза булбул кўнглумни нолон айларам.

Интихоб айлаб ғами ҳажрингни ваҳким, рўзи шаб,
Жон кўнглумда бори дардингни пинҳон айларам.

Ахтариб топмай висолинг шаҳдидин ҳаргиз асар,
Фурқатинг даштида доим ўзни ҳайрон айларам.

Юз тазарруълар била зотингға йиғлаб эмдиким,
Ҳар не журмим бор эса ондин пушаймон айларам.

Хун ашкимдин жаҳон ҳар лаҳзада тўфон ўлуб,
Интизорингдин ики чашмимни гирён айларам.

Ким кириб бахри жунунға сарбасар жони дилим,
Ҳар дам ишқинг ўтиға бағримни бирён айларам.

Еткуруб оҳим шарорин Мутрибосо, чарх уза,
Нолишимдин юз малолатлар намоён айларам [4: 134б].

Вазни: рамали мусаммани маҳзуф.
Тақтеъси: фоилотун, фоилотун, фоилотун, фоилун
(- V - - /- V - - /- V - - /- V –).

*****

Дарди ишқингдин ажаб Мажнун киби бемор ўзум,
Фурқатинг даштидаким, шаб рўзи, хору зор ўзум.

Гулшани ҳуснинг ҳавосида чекиб оҳу фиғон,
Булбулосоким, саҳарлар уйқудин бедор ўзум.

Лабларинг шавқи ўлар ҳолатға еткурмиш мани,
Бодайи лаълингға, эй ширин лиқо, хуммор ўзум.

Раҳм қилғил, бир нафас ҳоли харобимни кўруб,
Тийғи ҳажрингдин туну кун бу дили афгор ўзум.

Мурғ дилни ғуссайи ҳажр ичра хомуш айлабон,
Доғи ишқингдин нигоро кўзлари хубнор ўзум.

Айларам субҳи масо хоки дурингни орзу,
Даҳр аро не эрса коминг жон ила тайёр ўзум.

Еткуруб оҳим шарорин лаҳза-лаҳза чарх уза,
Гул юзунгга кеча-кундуз Мутрибосо, зор ўзум [4: 135аб].

Вазни: рамали мусаммани маҳзуф.
Тақтеъси: фоилотун, фоилотун, фоилотун, фоилун
(- V - - /- V - - /- V - - /- V –).

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абдуғафуров А. Мутриб / Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Т. VI. Тошкент, 2003. Б. 165–166.
2. Бобожон Тарроҳ – Ходим // Хоразм шоир ва навозандалари / Табдил этиб, нашрга тайёрловчи Анбара Отамуродова ва Олланазар Абдураҳимов. Тошкент, 2011. Б. 136–140.
3. Мадиримова С. Мутриб Хонахаробий асарлари қўлёзмаларининг илмий тавсифи // Олтин битик. Тошкент, 2019. №3. Б. 125–155.

4. Мутриб Хонахароб. Баёзи ашъор. ЎзР ФАШИ қўлёзмаси, инв. №1184. Вв. 2–135.
5. Мутриб Хонахароб. Девони Мутриб. ЎзР ФАШИ Асосий фонди қўлёзмаси, инв. № 903/V, Вв. 203*б*-273*а*.
6. Мутриб Хонахароб. Девони Мутриб. ЎзР ФАШИ Асосий фонди қўлёзмаси, инв. № 906/VII. Вв. 248*а*-281*б*.
7. Мутриб Хонахароб. Девони Мутриб. ЎзР ФАШИ Ҳ.Сулаймон фонди қўлёзмаси, инв. № 2679/II. Вв. 82*б*-234*б*.
8. Пирназаров М. Мутриб Хонахаробийнинг ижодий йўли. Филол. фан. ... дисс. Тошкент, 1973.
9. Собрание восточных рукописей академии наук ССР. (СВР) / Под ред. А. Урунбаева, Л. Епифановой. Т. VII. Опис. №5270. Ташкент, 1964.
10. Собрание восточних рукописей академии наук Республики Узбекистан. Литература (Диваны) / Подг. к изд. Х. Луфуллаев, С. Файзиева, О.Мадалиева. Т. I. Тошкент, 2017.
11. Шамсиев П., Иброҳимов С. Навоий асарлари луғати. Тошкент, 1972.
12. Ўзбек адабиёти. Хрестоматия / Воҳид Зоҳидов таҳрири остида. Т.V. II китоб. Тошкент, 1968.
13. Ҳасанмурод қори Муҳаммад ўғли Лаффасий. Хива шоир ва адабиётчиларининг таржимаи ҳоллари. Тазкиралари. ЎзР ФАШИ қўлёзмаси, инв. № 9494.
14. Sirojiddinov Sh. Matnshunos saboqlari. Toshkent, 2019.

С. Мадиримова

Мутриб Хонахароб ғазаллари

XIX асрнинг охири – XX аср бошларида Хоразмда Муҳаммад Раҳимхон Феруз соний саройида ўзига хос адабий муҳитни ташкил қилади. Бу даврда Табибий, Мутриб, Баёний, Аваз Ўтар, Чокар, Шиносий каби ижодкорлар фаолият юритганлар. Мазкур муҳитдаги аксарият шоирлар зуллисонайн бўлиб, ўзбек ва форс тилларида бирдек қалам тебратганлар. Хон фармонига биноан, кўплаб шеърхонлик кечалари уюштирилган, баҳру байтлар, ғазалхонлик мусобақалари ташкил қилинган, шоирлар янги шеърларидан намуналарни мажлис аҳлига ўқиб беришган. Шунингдек, Хива адабий муҳитидаги ижодкорлар фаолиятини ифодаловчи баёзлар, тазкиралар, мунтахаб (сайланма) девонлар мажмуаси тузилган, шоирлар шеърларини девон, мухаммасот, ғазалиёт, рубоиёт, маснавиётларда жамлаганлар, улар малакали котиблар томонидан кўп нусхада кўчирилган. Ҳозирги кунда бу асарларнинг муайян қисми Ўзбекистон Республикаси

Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти ҳамда Хива Ичан қалъа музейи қўлёзмалар фондида сақланмоқда. Улар қаторида хивалик зуллисонайн шоир Муҳаммад Ҳасан девон Ҳожи Табиб ўғли Мутриб Хонахароб адабий мероси ҳам мавжуд бўлиб, шоир шеърлари №№ 2679/II, 903/V, 906/VII ашё рақамлари терма девон ва баёзлар таркибидан ўрин олган.

Маълумки, айрим баёзларда шоир девонига киритилмаган шеърларни ҳам учратиш мумкин. Шундай баёзлардан бири, Феруз фармонига кўра, Мулла Муҳаммад Юсуф *Чокар* ибн Муҳаммад Юсуф девон *Харрот* томонидан кўчирилган бўлиб, унда Мутриб билан бир қаторда яна 21 та шоирнинг ғазал жанридаги шеърлари келтирилган. Мазкур баёз ЎзРФА Шарқшунослик институти асосий фондида 1184 ашё рақами билан сақланади.

Мақолада Мутриб Хонахаробнинг адабий мероси ҳақида сўз юритилиб, унинг ЎзРФАШИ фондида сақланаётган терма девонлари ва баёзга киритилган шеърлари адабий манбашунослик-матншунослик аспектида ўрганилди.

Таркибий тадқиқ натижасида баёздаги 9 та ғазалнинг қўлёзма девонда мавжуд эмаслиги, тўртта ғазал матнининг қўлёзма девондаги нусхаси билан қиёсий таҳлили орқали фарқлари ва манбаларнинг кўчирилишидаги айрим камчиликлар кўрсатилди. Шоир девон қўлёзмаларида учрамайдиган тўққизта туркий ғазалининг тўлиқ матни табдили илк бор эълон қилинмоқда.

Калит сўзлар: *баёз, қўлёзма, ғазал, колофон, шеър, вазн, радиф, қофия, Мутриб Хонахароб.*

С. Мадиримова

Газели Мутриба Ханахараба

В конце XIX – начале XX века в Хорезме Мухаммед Рахимхан Феруз второй создал уникальную литературную атмосферу в своем дворце. В этот период работали такие творческие созидатели такие, как Табиби, Мутриб, Байани, Аваз Утар, Чокар, Шинаси. Большинство из них были двуязычными и писали на узбекском и персидском языках. В соответствии с указом хана было организовано много поэтических вечеров, *бахру-байты*, конкурсы газелей, где поэты читали образцы своих новых стихов. Составляли *байазы* (Сборник избранных стихов разных поэтов), *тазкиры* (Антологии), мунтахабские – избранные *диваны* творческих созидателей литературной среды Хивы. А также стихи поэтов были собраны в их *деван*ах (Сборник стихов), *мухаммасат*ах (Сборник упятеренных/пятистишников), *газалийат*ах (Сборник газелей), *рубайатах* (Сборник *четверостишие-дубайти*), *маснавийат*ах (Сборник

сдвоенный стихов). Они были скопированы во многих экземплярах квалифицированными каллиграфами. В настоящее время значительная часть этих произведений хранится в рукописном фонде Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии Наук Республики Узбекистан и музее Хивы Ичан Кала. Среди них имеется литературное наследие двуязычного *(зуллисанайн)* хивинского поэта Мутриба Ханахараба, сына Мухаммад Хасан Деван Хаджи Табиба (1853–1923). Его стихи включены в состав избранных *деванов* № 2679/II, 903/V, 906/VII и *байазов*.

Известно, что в некоторых *байазах* встречаются стихи не вошедшие в *диван* поэта. Один из таких *байазов*, был переписан Муллой Мухаммад Йусуф Чакар бин Мухаммад Йусуф Деван Харратом, согласно указу Феруза, в который вошли стихи Мутриба и еще 21 поэтов, написанные в жанре *газель*. Этот источник сейчас хранится в главном фонде Института востоковедения Академии наук Узбекистана под номером 1184.

В статье рассматривается литературное наследие Мутриба Ханахараба, включенные в избранный *диван* и *байаз*, которые хранятся в фонде ИВ АН РУз. Они изучались в аспекте литературного источниковедения и текстологии.

В результате проведенного структурного исследования были выявлены, что 9 газелей из *байаза* отсутствуют в *диване*, а также сравнительным анализом текстов четырех газелей с копией рукописным *диваном* были показаны различия и некоторые недостатки при копировании источника. Впервые публикуется полный текст 9 тюркских газелей в транслитерации, которые не вошли в список рукописного дивана поэта.

Ключевые слова: *байаз, рукопись, газель, колофон, стих, метрика, строфа, рифма, Мутриб Ханахараб.*

S. Madirimova

Mutrib Khanakharab's ghazals

In the end of the 19th and the beginning of the 20th centuries, Muhammad Rahimkhan Feruz the Second created a unique literary environment in his palace in Khwarazm. Among the prominent poets who were active during this period were Tabibi, Mutrib, Bayani, Avaz Utar, Chokar and Shinasi. The majority of them were bilingual and composed both in Uzbek and Persian. Lavish poetic nights, bayt and ghazal competitions were organized according to the ruler's order, during which poets recited the samples of their new works. In the literary environment of Khiva bayaz, tazkira and muntakhab collections were compiled as well as various devans, mukhammasat, ghazaliyat and rubaiyat, which were copied by qualified scribers. At present, the significant part of these works are

kept in the manuscript fund of Abu Rayhan Beruni Institute of Oriental Studies of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan and in Ichan Qal'a Museum of Khiva. Among those one finds the literary heritage of the bilingual poet of Khiva, Mutrib Khanakharab son of Muhammad Hasan divan Hajji Tabib (1853–1923). His poetry were included in the collections of divans and bayaz under the inventory numbers of 2679/II, 903/V, 906/VII.

It is known that some bayaz collections contain Mutrib's verses not included in his own divan. One of such bayaz collections was copied by Mulla Muhammad Yusuf Chikar bin Muhammad Yusuf divan Kharrot according to the order of Feruz. In addition to Mutrib's verses, this collection includes ghazals ascribed to other 21 poets. This source is kept today in the main collection of Abu Rayhan Beruni Institute of Oriental Studies under the inventory number 1184.

The article provides a textual analysis of the literary heritage of Mutrib Khanakharab based on the divan and bayaz collections located in the manuscript collection of Abu Rayhan Beruni Institute of Oriental Studies.

***Keywords**: bayaz, manuscript, ghazal, colophon, verse, meter, line, rhythm, Mutrib Khanakharab.*

Ф. Тухтамуратов

Муҳсиний девони қўлёзмалари ва шеърларининг матн хусусиятлари

XIX аср охири – XX аср бошлари Қўқон адабий муҳити ривожига Муқимий (1850–1903), Фурқат (1859–1909), Завқий (1853–1921), Муҳаййир (1842–1918), Ҳазиний (1867–1923) сингари ижодкорлар қатори Ҳусайнқули Сулаймонқули ўғли Муҳсиний (1860–1917) ҳам катта ҳисса қўшган шу даврда ижод қилган забардаст шоирлардандир.

Муҳсиний дастхат девонларининг бир нусхаси Ўзбекистон ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида 7392 ашё рақам остида, Ғафур Ғулом номидаги Фарғона вилоят Адабиёт музейи қўлёзма асарлар фонди инв. № 4303 ашё рақами билан сақланади. "Шунингдек, иккита қўлёзма девони ҳозирги кунда Муҳсинийнинг Қўқон шаҳрида яшаётган невараси Тўхтасинжон Нуриддиновнинг шахсий кутубхонасида сақланмоқда" [4: 8].

Ушбу мўжаз мақоламизда ЎзРФА Шарқшунослик институти фондида 7392 ашё рақам билан сақланаётган Муҳсинийнинг дастхат девони